

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 1 декабрь • №47 (1430)

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН МДХ МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мираманович Мирзиёев ташаббусларига кўра, жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари орасида комиссияси йиғилиши доирасида икки мамлакат соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида қатор келишувлар имзоланган эди.

Ушбу келишувлар асосида Ҳиндистоннинг нуфузли клиникаларидан бири “Aakash Healthcare” компанияси Тошкентда кўп тармоқли шифохонасини очди. Мазкур хорижий компания Ўзбекистон хусусий соғлиқни сақлаш тизимини 10 миллион долларлик сармоя киритиш орқали қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришни режалаштирмоқда. Ҳиндистоннинг замонавий тиббиёт тажрибаси ва ҳинд мутахассислари таркибидан шакллантирилган шифокорлар жамоасидан иборат янги шифохона Ўзбекистон ва кўшни мамлакатлар учун янги соғлиқни сақлаш экотизимини яратди.

“Aakash Healthcare” МЧЖ Тошкентдаги “Азия Мед” марказини Ҳиндистоннинг сифат ва тезкор ёрдам кўрсатиш концепциясига мувофиқ ўзгартириш учун сотиб олди. Хорижий корхона Ўзбекистон ҳукумати кўмагида яқин бир неча йил ичида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини 10 миллион долларлик сармоя киритиш эвазига такомиллаштиришни, маҳаллий шифокорлар, жарроҳлар, ҳамширалар ва ёрдамчи ходимларни сифатли тиббий амалиёт билан ўқитишни, маҳаллий соғлиқни сақлаш мутахассисларини Ҳиндистонлик ҳамкасблари тажрибаси билан ҳамкорлик кўприги яратишни мақсад қилиб қўйган.

Янги шифохона 2022 йилнинг 23 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Маниша Прабхат ва Учтепа тумани ҳокими Фарҳод Абдуллаев ҳамда фахрий меҳмон “Aakash Healthcare” МЧЖ бошқарув раиси, доктор Жей Си Чодри ва Аakash Ҳеалзкейр

бошқарувчи директори, доктор Аашиша Чодри иштирокида тантанали равишда очилди. “Биз Ҳиндистон билан мустақкам тарихий муноса-



батларга эгамиз. Бошқа соҳалар қатори фармацевтика ва соғлиқни сақлаш ҳам ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишлари бўлди. Мамлакатимизнинг Соғлиқни сақлаш тизимига турли замонавий хизматлар, соғлиқни сақлашни турли шаклларда молиялаштириш ва соғлиқни сақлашни самарали бошқариш тизимларининг кириб келаётганидан мамнунмиз. Аakash Ҳеалзкейр юқори сифатли ускуналар ва хизматлар туфайли Ўзбекистонга МДХнинг барча мамлакатлари учун Марказий Осиёдаги етакчи тиббиёт марказларидан бирига айланишига ёрдам беради”, – деди Амрилло Иноятов очилиш маросимидаги нутқида.

“Доктор Жей Си Чодри раҳбарлиги остида амалга оширилган лойиҳа ҳамда доктор Аашиша Чодрига мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларини такомиллаштириш ва модернизация қилиш йўлидаги ушбу ҳал қилувчи қадам учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ушбу шифо-

хона ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон ва МДХнинг бошқа мамлакатлари аҳолисига ёрдам беради ва сифатли даволаш учун янги мезонларни белгилайди”, – дея қўшимча қилди Амрилло Шодиевич.

Тадбирда Ҳиндистон ва Тошкентда жойлашган Аakash Ҳеалзкейр клиникаси раҳбарияти ва жамоаси ҳам иштирок этди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси жаноб Маниша Прабхат, доктор Жей Си Чодри ва доктор Аашиша Чодри, шунингдек, бутун Аakash Ҳеалзкейр оиласини Тошкентда биринчи босқичдаги Ҳиндистон шифохонаси очилгани билан табриклади ва бу Ўзбекистонга ҳинд соғлиқни сақлаш сифатини янада юксалтириши, Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақкамлашни таъкидлади.

Ўзбекистон ва МДХнинг бошқа беморларининг Ҳиндистонга, айниқса, Нью-Дехлига оқими кескин ортиб бормоқда.

Ҳар йили Нью-Дехлига 8000 га яқин бемор тиббий муолажалар учун келади ва бозорнинг тахминий ҳажми 30 миллион долларни ташкил қилади. Беморларнинг аксарияти Ҳиндистонга жигар трансплантацияси, саратон бўйича жарроҳлик амалиёти, нейро ва ортопедик муолажалар каби мураккаб операциялар учун келишади. “Аakash Ҳеалзкейр” МЧЖнинг асосий йўналиши она ва бола, ортопедик, жигар ва буйрак касалликларини даволашга қаратилган.

“Аakash Ҳеалзкейр” МСХЖ МДХ мамлакатларидан маҳал-

лий шифокорлар, жарроҳлар, ҳамширалар ва ёрдамчи ходимларни сифатли тиббий амалиёт билан ўқитишни режалаштирмоқда. Мақсад маҳаллий соғлиқни сақлаш мутахассисларини Ҳиндистонлик ҳамкасблари билан тенглаштиришдир. Ҳиндистонда Ўзбекистон шифокор ва ҳамшираларини тайёрлаш бўйича алмашинув дастури ҳам кун тартибда турибди”, – деди “Аakash Ҳеалзкейр Пвт.” МЧЖ ижрочи директори доктор Аашиша Чодри.

Аakash Ҳеалзкейрнинг МДХ бўйича лойиҳалар вице-Президенти доктор Викрамжее Сингх шундай деди: “Биз Ўзбекистон аҳолиси ва яқин мамлакатлар учун сифатли соғлиқни сақлаш экотизимини яратишни мақсад қилганмиз. Янги мамлакатда янги шифохонани очиш жуда қийин вазифадир. Аммо жамоамизнинг биргаликдаги сый-ҳаракатлари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва инвестиция вазирликлари ва маҳаллий маъмурий идораларнинг раҳбарлиги ва қўллаб-қувватлаши бу орзун рўёбга чиқаришга ёрдам берди.”

Тошкентдаги Аakash шифохонасида 50 та ётоқ ва кўплаб тармоқ бўлимлари мавжуд. Ортопедия, педиатрия, эндокринология, неврология, ички касалликлар, физиотерапия, кардиология, гинекология, урология, умумий жарроҳлик, нейрохирургия, КББ, УСГ, рентгенография, лаборатория, стоматология ихтисосликлари бўйича тиббий хизматлар кўрсатилиши режалаштирилган. Аakash Ҳеалзкейр кўп тармоқли шифохона сифатида кўплаб ихтисосликлар билан энг яхши глобал амалиётга мувофиқ фаолият юритади.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ 30 ЁШДА

ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН ҚАДРИ ВА САЛОМАТЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг, соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар, жумладан бозор муносабатлари жорий этилди. Нафақат давлат балки нодавлат тиббиёт сектори шакллана бошланди. Ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ташкил қилинди.

Ўзбекистон врачлар ассоциациясини ривожлантиришга ўзининг салмоқли хиссасини қўшган, лекин бугунги кунда орамиздан ўтиб кетган инсонлар, Ўзбекистоннинг кўзга кўринган шифокор - ташкилотчи ва олимларидан Эркин Қосимов, Владимир Вайнштейн, Ирина Савельева, Марат Ризаев, Эдуард Шакиров, Вячеслав Карабаев, Матсафа Бекметов, Халил Жа-



ацияси фаолиятининг қисқача тарихий таҳлилининг ўтказар эканми, шартли равишда уни 4 босқичга бўлишимиз мумкин.

Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Тошкент ва Қашқадарё бўлимлари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатган. 1995 йилда “Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени” журнали Ахборот ва матбуот агент-

ган маълумотлар, амалиётчи врачлар учун янги даволаш услублари тўғрисидаги мақолалар нашр этилади. Шу йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг мустақил маъмурий – идоровий ҳужжатларини ишлаб чиқиши лозим эди. Ассоциация вакиллари Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг “Ибн Сино” халқаро жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Ассоциациянинг халқаро алоқалари сезиларли даражада фаоллашди. Ассоциация 1997 йилда Европа тиббиёт ассоциациялари Форуми ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аъзоси сифатида қабул қилинган ҳамда уларнинг ҳар йили Европа мамлакатларида ўтказиладиган форумларида фаол қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида маърузалар билан иштирок этиб келади.

Иккинчи босқичда Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоят бўлимлари ташкил этилди. Бундан ташқари, нейрохирург, гигиенист, санитар врач ва умумий амалиёт врачлар каби профессионал бўлимлари ташкил этилди. Шу даврдан ассоциация тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва лицензиялаш, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш ва аккредитация қилиш марказини ташкил этишда фаол иштирок этди. 2001-2003 йилларда ассоциация Фридрих Науман фонди ўртасида (Германия) халқаро алоқалар ўрнатилди. Ушбу жамғарма ассоциацияга соғлиқни сақлашнинг нодавлат секторини ривожлантириш дастурларини техник қўллаб-қувватлашда ёрдам беришга қарор қилди. 2002 йил октябрь ойида Тошкент, Бухоро ва Самарқандда ўтказилган семинарлар бу борадаги биринчи кадам бўлди. 2005 йил охирига



Мазкур ассоциацияни ташкил қилинишида Америка, Англия, Франция, Туркия ва бошқа давлатлар тиббиёт ассоциацияларининг фаолияти ва тажрибалари ўрганилди. Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришда, жамоа бирлашмалари яъни ассоциацияларнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Ассоциацияларга врачларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, врачларни узлуксиз тиббий таълими, лицензиялашни амалга ошириш вазифалари юклатилган. Ассоциациялар соғлиқни сақлашда қабул қилинаётган қонунларни ишлаб чиқишда ва тизимдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этади. 1992 йил 20 ноябрда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди, унда демократик асосда очик овоз бериш йўли билан Ассоциациянинг Кенгаши (48 аъзодан иборат) ва Ассоциациянинг раиси этиб Абдулла Худайбергенов бир овоздан сайланди. Шунингдек, ассоциация фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. 10 та, яъни фан бўйича ва узлуксиз малака ошириш ва сертифицирлаш, аҳолини тиббий таъминлаш учун врачларни аттестациядан ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича, этика ва деонтология, фахрийлар, ассоциация аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сугурта тиббиёти ва пулик хизматлар, минтақалараро муносабатлар ва халқаро ҳамкорлик бўйича, наشريёт ва информатика соҳалари бўйича кўмиталар ташкил этилди. Қисқа вақт ичида ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларида худудий бўлимлари ташкил этилди. Шундай

2022 йил 19 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг 30 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Конференция иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясининг Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Лазиз Тўйчиев Ўзбекистон республикасининг 35 минг шифокорни бирлаштирадиган ассоциация аъзоларини табриклади ва улар фаолиятига омадлар тилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси номидан Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси раиси Елена Борисова ҳам иштирокчиларни самимий қутлаб, ассоциация фаолиятига алоҳида тўхталди. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Улғабек Собиров соғлиқни сақлаш вазирининг табригини иштирокчиларга ўқиб эшиттирди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюмлари республика кенгаши номидан раис ўринбосари Адхам Касимов тадбир иштирокчиларини табриклаб, энг яхши фаолият олиб бораётган Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоят бўлимларига қимматбахо совғалар топширди. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ташаббускорларидан бири, унинг биринчи ижрочи директори Хайрулла Мустафаев сўзга чиқиб, ассоциациянинг ташаббус гуруҳ аъзоларининг биринчи учрашуви, ассоциациянинг устави ва эмблемасини тайёрлаш, таътрофлича тўхталди. Ўзбекистон тиббиёт ассоциацияси Президентини таътрофлича тўхталди. Ўзбекистон тиббиёт ассоциацияси Президентини таътрофлича тўхталди. Ўзбекистон тиббиёт ассоциацияси Президентини таътрофлича тўхталди.

√ ЭЪТИБОР
БЕРИНГ! ▶

Биринчи номерли медаль ассоциациянинг асосчиси ва биринчи раиси марҳум Абдулла Худайбергенов берилди. Медаль уларнинг укалари Нейматулло Худайбергенов ва ўғиллари Шухрат Худайбергеновга топширилди. Тадбир кўтаринки руҳда ўтди.

қилиб, ташкилий жиҳатдан ассоциация 1992 йил 20 ноябрда ташкил қилинган бўлсада, 1993 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан расман рўйхатдан ўтказилди.

Ассоциация тузиш бўйича ташкил этилган ташаббускор гуруҳга етакчи олимлар ва соғлиқни сақлаш ташкилотчилари, барча ихтисосликдаги врачлар, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юрталари клиникалари ва кафедралари, амалий тиббиёт муассасалари жамоалари вакиллари киритилди. Шунингдек, таъкидлаш лозимки,

Баҳодир Хусайновларнинг хизматлари катта бўлган. Шу билан бирга, ассоциациямизни ташкил қилишда иштирок этган ва ҳозирги кунга қадар ўз хиссасини қўшиб келаётган - академик Тўлқин Искандаров, Абдукарим Усманходжаев, Мухтор Усманходжаев, Халим Махмудов, Дамин Асадов, Юсуфжон Шадиметов, Мирабзал Юнусов, Лев Нуруллаев, Хайрулла Мустафаев, Шухрат Иргашев, Леонид Баженов, Лилия Атаханова, Бозорбой Уразалиевларнинг ҳам беқиёс хиссалари бор.

Ўзбекистон врачлар ассоци-

лигидан рўйхатдан ўтказилган ва биринчи номери нашр этилган. Аввалига бир сони 26 варақда чиқадиган журнал, бугунги кунга келиб 130 босма табоқ варақда нашр этилмоқда. Журналда менежмент ва маркетинг, тиббиёт ҳуқуқи ва иқтисодиёт, илмий изланишлар натижалари ва уларнинг амалиётда қўлланиши, масофадан ўқиш, умумий амалиёт врачига қўлланмалар кўникмалар каби муҳим маълумотлар билан бир қаторда турли рубрикалар мавжуд бўлиб, олимларнинг илмий изланиш яқунлари бўйича олин-

ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН ҚАДРИ ВА САЛОМАТЛИГИ

келиб, “Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг бюллетени” ҳажми ва кўриниши бир мунча яхшиланди ва унинг йиллик тиражи 1800 нусхани ташкил этган.

Учинчи босқич Тошкент шаҳрида, шунингдек, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги бўлимлари ташкил этилиши ва ассоциациянинг кенг аудиторияга эга бўлиши давомидаги босқичда ассоциация “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва “Соғлиқни сақлаш аълочилиги” тўғрисидаги кўкрак нишонини таъсис этиш оид Қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди. Жаҳон банкидан грантлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ННТ ва фуқаролик жамиятларини ривожлантириш жамғармасидан 3 та грант ютилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Ассоциация олдида кўйилган вазибаларни бажариш мақсадида 2010-йилдан бошлаб олий таълим муассасалари талабалари учун Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг стипендияси таъсис этилди. 2010-йилдан буён 58 нафар талаба ушбу стипендияга сазовор бўлди. Ушбу стипендияни топшириш даврида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг Президиум аъзолари мунтазам равишда иштирок этишган. 2010-йилдан буён Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда илк бор “Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени” журнали ёрдамида масофавий таълим тизимини жорий қилди. Бу нашр этилган журналнинг тиражи ва унинг амалий фаолият билан шугулланадиган врачлар ўртасидаги нуфузини сезиларли даражада ошириш имкони-

ни берди. Ўн икки йил якунлари бўйича 1500 дан ортиқ шифокор ушбу дастур иштирокчиси бўлиб, сертификатларга эга бўлди. Хусусий тиббий муассаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ташаббуси билан 2011 йилда Ўзбекистон хусусий врачлар ассоциациясини ташкил этилди.

Тўртинчи босқичда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бирламчи тиббий санитария ёрдам тизимини такомиллаштириш мақсадида “Аҳолининг касаллигини кўрсаткичларига таъсир килувчи хатарли омиллар ва уларни олдини олишда долзарб масалалар” мавзусида 2012 йилдан бошлаб илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Ушбу конференциялар амалий тусда ўтказилиб, одатда вилоят марказларида Тошкент шаҳридан юқори малакали профессор ва ўқитувчиларни жалб қилиш билан амалга оширилди. Бундай конференциялар шу кунга қадар Қарши, Урганч, Гулистон ва Фарғона вилоятларида ўтказилган. Ҳар бир конференцияда 400 дан ортиқ умумий амалиёт ва бошқа тор ихтисосликдаги шифокорлар қатнашган. 2016 йил 10-12 март кунлари Европа тиббиёт ассоциациялар ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти форуми Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор Тошкент шаҳрида ўтди. Унда 20 давлатдан 60 дан ортиқ тиббиёт ассоциациялари вакиллари иштирок этишди.

2017 йил 30 октябрь ва 1 ноябрь кунлари бутун дунёга машҳур врач Леонид Рашаль бошчилигида ташкил қилинган Россия Федерацияси “Миллий тиббий палатаси”нинг конгрессида иштирок этилди. Унда Россия Федерациясининг 85 та

худудидан 2500 дан ортиқ врач иштирок этишди. Ушбу нуфузли конгрессда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси номидан Зафар Сидиков иштирок этиб ўзининг самимий фикрларини изҳор этди.

2019 йилда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг навбатдаги конференцияси ташкил қилинди, унда Зафар Сидиков Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг раиси, раис ўринбосарлари Тўлқин Искандаров ва Холида Шайхова, янги раёсат ва кенгаш аъзолари сайланди. Конференцияда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг кейинги йиллардаги устувор йўналишлари белгиланди. Шу йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги ННТлар ва бошқа институтларни ривожлантириш фонди томонидан Ўзбекистон врачлар ассоциациясига “Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва ижтимоий аҳамиятга эга аҳолига малакали тиббий хизматни ташкил қилиш” номли 90 миллион сўмлик Давлат ижтимоий буюртмаси ажратилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Ассоциация ва унинг худудий бўлимлари ҳар йили “Хотира ва кадрлар кунини” соҳада кўп йиллар самарали фаолият олиб борганлар оиласига моддий ёрдам бериб келмоқда.

2020-2022 йилларда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси фаолияти тубдан ўзгариб, шифокорларни ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 197-модда. Тиббиёт ходимларини ўз хизмат бурчларини кўрсатишда қаршилик кўрсатиш”ни номли модда киритиш ва унинг лойиҳасини Сенат ва Олий мажлис ҳамда



Президент Администрациясига юборилган мурожаатларимиз натижасида 2022 йил 18 мартдаги тиббиёт ходимлари билан илк бор ўтказилган учрашувда Юртбошимиз ушбу ўзгартиришлар киритилишининг аҳамияти ҳақида, айтганида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини кўрсатди. Бундан ташқари шу йилларда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси томонидан “Шифокорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар” (соғлиқни сақлаш тизимида асосий меъёрий-ҳуқуқий муаммоларни тартибга солиш: муаммолар таърифи, меъёрий ҳуқуқий тартибга солиш ва муаммони ечиш алгоритми) 1 ва 2- қисми китобча шаклида 2020 йилда ишлаб чиқилди. Ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳар ва вилоят даволаш профилактика муассасалари, мамлакатимиздаги илмий-амалий тиббиёт муас-

сасалари ва барча шифо масканларига 20000 га яқин брошюра тарқатилди. Бундан ташқари 2021 йилда 7 та йўналиш бўйича шифокорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 2021 йилда тавсиялар ишлаб чиқилди ва 10000 нусхада кўпайтирилиб, барча вилоятларга тарқатилди. Бугун, Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг 30 йиллигини кенг нишонладик. Албатта, бу кунларга етиш осон бўлмади. Тадбир давомида иштирокчиларимиз сўзга чиқиб, ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар тўғрисида ўзларининг эътирофли фикрларини айтиб ўтишди. Шунингдек, ассоциация ташкил қилинишида, ўз ҳиссасини қўшган ташаббускор гуруҳ ва таъсис конференция вакилларининг бир қисми бугун орамизда бўл- масада, улар хотираси ёд этилди.

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Америка, Германия, Англия ассоциациялар каби соғлиқни сақлаш тизимида ўзини муносиб ўрнини эгаллаб, халқимиз соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Зафар СИДИКОВ,
Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси раиси.

• МИННАТДОРЛИК •

ҚАЛБИМДАГИ ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА!

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бир гўшасида бўлмайдик, у ердаги бунёдкорлик ишлари, катта ўзгаришлар, қолаверса, биргина пойтахтимиз, балки ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқларнинг гўзаллигини кўриб, кўзинг қувнайди ва қалбинг қувончга тўлади.

Шунингдек, халқимизнинг ҳам яшаш ва турмуш шароитлари янада яхшиланиб, мустақил дидеоримизда эркин яшаётганликлари бу албатта, ҳар биримиз учун фахрдир. Яқинда тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қарашли бўлган пойтахтимиздаги “Нуронийлар” сўхатгоҳида саломатлигимни тиклаб қайтдим. Юқорида таъкидлаганимдек, ушбу шифо масканида ҳам ана шундай эътирофга муносиб ишлар амалга оширилганли-

ги ва жамоадаги соғлом мухитни барқарорлиги биргина мени эмас, барча даволанувчиларни мамнун этганлигини гувоҳи бўлдим. Сўхатгоҳга кириб борар эканмиз, аввало, унинг гўзал табиати ва тозаллиги инсон қалбига кўтаринки қайфият бағишлайди. Қабул бўлимига киришингиз билан илиқ муомалада кутиб олаётган шифокору ва ҳамшираларнинг кўриб, хурсанд бўласиз. Бунинг баробарида, даволанувчилар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Тор мутахассисликлар

бўйича хоналар мавжуд бўлиб, унда малакали шифокорлар даволанувчиларга хизмат кўрсатишмоқда. Физioterapia муолажалари бўйича эса тажрибали, кўли энгил ҳамширалар ҳам даво муолажаларини ўз вақтида сифатли бажаришади. Аввало, сўхатгоҳдаги соғлом мухитни барқарор қилишда ва кўплаб даволанувчиларнинг дуосига мушарраф бўлаётган, “Нуронийлар” сўхатгоҳининг директори Бадридин Камолов ва даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Гулираъно Махмудоваларнинг меҳнатлари ниҳоятда бекиёсдир. Шунингдек, физиотерапия бўлими бошлиғи Н. Ғуломов, тажрибали шифокорлар Н. Нуридинова, Н. Ўлмасова, М. Агзамова, А. Барноева ва бўлими бошлиғи Зокирходжаевлар ҳар бир беморни ўз билимлари ва самимий муносабатлари билан да-

волаб, улар ҳурматида сазовор бўлишмоқда. Даволанувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун кутубхона бўлиб унда 6 000 дан ортиқ китоб, журнал ва газеталар ўрин олган, кутубхона раҳбари М. Носирова, шу билан бирга маданий ҳордик чиқариши учун режа асосида экскурсиялар ташкил этилган бўлиб, унда ташкилотчи Юлдуз Аскарваларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бундан ташқари кадрлар бўлими бошлиғи, касаба

уюшма раиси Г. Умарова, қабул бўлимидаги Ф. Акбарова, Х. Муслимова, бош ҳамшира М. Гофурова ва меҳрибон ҳамширалар Д. Зоҳидова, Н. Хонкелдиева, уқаловчи ҳамширалар Г. Азимова, С. Сабирова, М. Самандарова, хўжалик бекаси М. Толипова, фаррошлар Д. Исакова, С. Тажибаева, эрталабки бадантарбия машғулотини олиб борувчилар Ф. Утегенова ва Н. Раҳматовалар меҳнатлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

Шу ўринда даволанувчилар учун ана шундай кенг имкониятларни яратган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори Алишер Иноқовларга ҳам кўп сонли даволанувчилар номидан чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Халқимиз бахтига доимо омон бўлишсин.

Малоҳат НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри.

ФАН ВА ТАЪЛИМ УФҚЛАРИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ:

Маълумки, мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълими модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугун Ўзбекистон Республикасидаги соғлиқни сақлаш, олий таълим ва бошқа ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган жадал ислохотларолиб борилаётган ва жамиятимизда тубдан демократик ўзгаришлар амалга оширилаётган даврда Тошкент фармацевтика институти ўзининг 85 йиллигини кенг нишонланди. Институт ўзининг ўтган 85 йиллик даври мобайнида юртимиз ва хоржга бир неча минглаб фармацевтика соҳасининг мутахассисларини етиштириб, юқори малакали, илмий даражали кадрлар тайёрлаб, Республика дори-дармон захирасига ўзининг ишланмалари билан оригинал дори воситалари яратилишига ҳиссасини қўшиб келган. Тошкент фармацевтика институти расман собиқ Иттифок Соғлиқни сақлаш комиссарлигининг 1937 йил 16 июлдаги 155-сонли буйруғи билан Тошкент тиббиёт институтининг алоҳида кафедралари асосида ташкил этилган. Институт ўз фаолиятини 1937-1938 ўқув йилидан 63 нафар талабаларни биринчи курсга қабул қилиш билан бошлаган. Институтнинг биринчи битирувчилари 1941 йилда 37 нафар провизорлардан иборат бўлиб, шулардан фақат икки нафари ўзбек миллатига мансуб кадрлар бўлган. 1941-1942 ўқув йилида Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилари штати 38 нафар ходимлардан иборат бўлиб, улардан 5 нафари профессорлар, 7 нафари доцентлар, шунингдек, 9 нафари фан номзодлари бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Иттифок ғарбий худудларидаги стратегик объектлар ва уларда фаолият юритувчи мутахассислар, шу жумладан, олий таълим муассасалари мутахассислари, Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Хусусан, улардан профессорлар А. Генринович, К. Иоффе, З. Манулкин, З. Уманский, Р. Хазанович ва бошқалар Тошкент фармацевтика институтига ишга қабул қилиниб, фаолиятларининг охиригача Ўзбекистонда фармацевт илмий кадрларни тайёрлашда астойдил меҳнат қилдилар.

Институтнинг 85 йиллик фаолияти давомида жами 19 та ректор институтга раҳбарлик қилди. Улардан профессорлар М. Азизов, Ҳ. Холматов, Ҳ. Зокиров, Э.Тошмухамедов, академик С. Искандаров, профессор А. Юнусхўжаев, профессор Ҳ. Жалилов ва профессор И. Алимжановлар институтда ўқув-тарбиявий ва илмий ишларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга институтнинг тараққий этиши жараёнида фаол иштирок этган қатор кафедра мудирлари ва профессорларни алоҳида эслаб ўтиш жоиз. Булар институт проректори, кейинчалик кафедра мудирини доцент И. Асатов, деканлар, кей-

инчалик кафедра мудирлари, доцент А. Ибодов, доцент Ҳ. Ахмедов, кафедра мудирлари, профессорлар Б. Садриддинов, С. Махкамов, А. Муртазаев, Ҳ. Хакимов, Ҳ. Алиев, Т. Пўлатова, М. Усуббаев, И. Раҳимова, М. Мирролимов, доцентлар А. Усманов, К. Тиллаев, И. ПриМухамедов, Ё. Ёқубов, Э. Маматмусаев, Т. Акбаров, Ҳ. Махкамова, М. Аляви, М. Маликов ва бошқалар. Институтнинг катта тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилари томонидан фармацевтика олий ўқув юртли талабалари учун ёзилган қатор дарсликлар, шу жумладан “Фармацевтическая химия”, “Фармакогнозия”, “Технология лекарств”, “Лекарственные растения”, “Физиология человека с основами анатомии”, “Фармакология”, “Биологическая химия”, “Органическая химия”, “Токсикологическая химия” ва бошқалар нафақат республикамиз, балки қатор кўшни давлатлар олий таълим муассасаларида ҳам бугунги кунгача қўлланиб келинаётганлиги диққатга мойилликдир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарихи бўлганидек, институтнинг бугунги мавқеи, соҳа кадрларига бўлган талаб ва ўқув жараёнида бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, таълим тизимини такомиллаштириш ва соғлиқ-

ни сақлаш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди ва улар амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, Тошкент фармацевтика институти мустақилликка фақат дорихоналар учун провизорлар тайёрлаган. Эндиликда фармацевтика корхоналарини кадрлар билан таъминлаш мақсадида институтда “Саноат фармацияси” факультети ва унинг таркибиде “Саноат фармацияси”, “Биотехнология” ва “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” таълим йўналишлари ташкил қилинди. Бугунги кунда “Фармация”, “Са-



раторияси, илмий-услубий ва ахборот-патент бўлими, дори воситаларини сертифицилаштириш идораси ҳамда замонавий таҳлил услубидаги ўқув тренинг маркази киритилди. ДВСИМ бугунги кунда соҳадаги илмий текшириш институти ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга бевосита амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга Ҳиндистон, Германия, Россия, Украина, Австрия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларнинг фармацевтик компаниялари ва ташкилотлари билан тегишли шартномалар бўйича самарали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга таълим жараёнини ташкил этиш ва илмий тадқиқотларни ўтказишда, шу жумладан давлат гранти бўйича ҳам, кафедра ушбу марказнинг ноёб жиҳозлари ва асбоб-ускуналари, шу жумладан Европанинг “Agilent Technologies”, “Metler Toledo” ва “Jurgens” каби етакчи фармацевтик компаниялари кўмағида унинг таркибиде ташкил этилган ўқув таҳлил маркази имкониятларидан фойдаланилади. Динамик ривожланаётган фармацевтика соҳаси бугунги кунда кадрлар тайёрлашга юқори талаблар қўймоқда. Таълим хизматлари буюртмачилари нафақат аънавий билим ва малакага эга, балки мулоқот психологияси, замонавий ахборот технологиялари, чет тилларини пухта эгаллаган, бошқарув кўникмаларига эга бўлган мутахассисларни кутмоқдалар. Янги воқеликни ҳисобга олган ҳолда Тошкент фармацевтика институтида таълим жараёни ва ўқув-услубий мажмуаларни модернизация қилиш, инновацион таълим усулларини кенг жорий этиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича чора-тад-



ноат фармацияси” факультетлари ва халқаро қўшма дастури асосида ташкил этилган “Ўзбек-Россия таълим” таркибиде фаолият кўрсатаётган 19 кафедра, 4 лаборатория ва бошқа бўлимлардан иборат бўлиб, институт бакалавр йўналишлари бўйича 5699 нафар, магистратура йўналишлари бўйича 75 нафар талаба таҳсил олмақда. Институт ўқув-илмий жараёнларни амалга ошириш учун 272 профессор-ўқитувчиларни жалб этилган бўлиб, институтнинг илмий салоҳияти 51.5 фозини ташкил этади, шу жумладан институтда 36 фан доктори, профессор, 104 нафар фан номзоди, доцент фаолият кўрсатмоқда. Тошкент фармацевтика институтининг тегишли йўналишлар бўйича тугатган мутахассислар бугунги кунда нафақат Республикакамизда, балки дунёнинг қатор мамлакатларида, шу жумладан халқаро ташкилотларда фаолият олиб бормоқдалар. Улар қайси ташкилотда ва қандай лавозимда ишлаётган бўлмасинлар институтда олган юқори билимларининг намоён қилиб, олий ўқув юрти шухратини юқори кўтариб келмоқдалар. Республикакамизда фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар малакасини ошириш учун фармацевтлар малакасини ошириш факультети томонидан жами 9 та

йўналиш бўйича курслар ташкил этилган бўлиб,

Эътибор беринг!

Пойтахтимизда Тошкент фармацевтика институтининг 85 йиллигига бағишланган “Фармацевтика соҳасининг бугунги ҳолати: муаммолар ва истиқболлар” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда маҳаллий мутахассислар билан бирга, Германия, Хитой, Исроил, Ҳиндистон, Россия, Корея Республикаси, Эрон, Туркия, Малайзия ва Қозғистон каби давлатлардан меҳмонлар иштирок этишди.

КОНФЕРЕНЦИЯДА:

- фармацевтик таълимдаги ислохотлар;
- саноат фармацияси муаммолари;
- миллий дори сифатининг устувор йўналишлари;
- дори сифатини назорат қилиш;
- янги дори воситаларини яратиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ҳозирда Тошкент фармацевтика институтида 40 нафар фан доктори ва профессор, 102 нафар фан номзоди, PhD, доцент каби мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Тадбирда институт олимларининг маҳаллий ўсимликлардан фойдаланган ҳолда 20 дан ортиқ дори турини яратиш борасидаги илмий изланишлари ҳам эътироф этилди.

улардан 2016 йилдан бугунги кунгача 5000 га

яқин ходимлар замонавий талаблар асосида ўз малакаларини оширдилар. Маълумки, яқин йилларгача Тошкент фармацевтика институти республикамизда ягона олий таълим муассаси ҳисобланар эди, бу эса ўз навбатида соҳага кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда ундаги илмий ва илмий ишлаб чиқариш тараққиётига ҳам катта масъулият белгилар эди. Шунинг учун институтдаги мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва ишлаб чиқарувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент фармацевтика институти хузурида Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази (ДВСИМ) ташкил этилган. Унинг таркибига дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабо-

марали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга таълим жараёнини ташкил этиш ва илмий тадқиқотларни ўтказишда, шу жумладан давлат гранти бўйича ҳам, кафедра ушбу марказнинг ноёб жиҳозлари ва асбоб-ускуналари, шу жумладан Европанинг “Agilent Technologies”, “Metler Toledo” ва “Jurgens” каби етакчи фармацевтик компаниялари кўмағида унинг таркибиде ташкил этилган ўқув таҳлил маркази имкониятларидан фойдаланилади. Динамик ривожланаётган фармацевтика соҳаси бугунги кунда кадрлар тайёрлашга юқори талаблар қўймоқда. Таълим хизматлари буюртмачилари нафақат аънавий билим ва малакага эга, балки мулоқот психологияси, замонавий ахборот технологиялари, чет тилларини пухта эгаллаган, бошқарув кўникмаларига эга бўлган мутахассисларни кутмоқдалар. Янги воқеликни ҳисобга олган ҳолда Тошкент фармацевтика институтида таълим жараёни ва ўқув-услубий мажмуаларни модернизация қилиш, инновацион таълим усулларини кенг жорий этиш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича чора-тад-

ФАН ВА ТАЪЛИМ УФҚЛАРИ

ЎТМИШИ, БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ..



ни ишлаб чиқиш, фармацевтик ва токсикологик таҳлил усуллари такомиллаштириш, Ўзбекистонда қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маркетинг ва фармакоэкономик таҳлили ҳамда физиологик фаол моддалар ва биологик фаол қўшимчаларнинг фармако-токсикологиясини ўрганиш каби устивор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жорий йилда республикада таълим тизимини такомиллаштириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортик Ўзбекистон Республикаси Президен-

эълон қилди. 2021 йилда ҳам Республикада 12 нафар олийгоҳи қаторида муносиб ўринларни эгаллаган Тошкент Фармацевтика Институтини бу йил ҳам 30 нафар Республика ОТМлари қаторида эътироф этилди. Унга қўра, Тошкент Фармацевтика институтини 5 та йўналишда иштирок этиб, Саломатлик ва фаровонлик; Сифатли таълимни йўлга қўйиш; Гендер тенглигини таъминлаш; Саноат, Инновациялар ва Инфратузилма ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлик бўйича дунё университетлари 1000 талигида 400-800 оралигида ўрин эгаллади. Бугунги олий таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар доирасидаги вазифалар ижросини таъминлаш Тошкент фармацевтика институтини профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабалари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилишини режалаштирган. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан олий таълим тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларини янада ривожлантириш мақсадида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб бориб,

мунтазам такомиллаштириб бориш;

- институт илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илм-фанни янада ривожлантириш, институт профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан ишғуланишига кенг жалб этиш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида маҳаллий хом ашёлардан олинган импорт ўрнини босувчи, экспорт салоҳияти юқори бўлган, рақобат бардош, сифатли, юқори самарали ва безарар дори воситаларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш;

- институтнинг маънавий-ахлоқий салоҳиятини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ҳаялларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур синдириш, уларда ёт гоё ва мафқураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

- замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланимлар билан жиҳозлаш орқали институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- институт ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар ва замонавий тўлиқ кучда ишлайдиган дори воситаларини тажриба-ишлаб чиқариш базасини яратиш;

- институт жаҳоннинг етакчи турдош институтлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиб, хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда институтимиз магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлаш;

- педагог кадрларнинг касб маҳоратини сифатли ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш.

бирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бунда нафақат маҳаллий фармацевтика фани ва амалиёти ютуқлари, балки чет эл тажрибаси, олий фармацевтика таълимини жаҳон таълими билан интеграциясига катта аҳамият берилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари етакчи университет ва олий ўқув юрталари тажрибасини ўрганиш натижасида 2016-2022 йиллар давомида институтда барча ўқув режалари ва дастурларини тубдан қайта ишлаб чиқилди. Айни пайтда, институтда жаҳон фанининг сўнгги ютуқлари, илғор педагогик технологиялар ва амалиётга йўналтирилган таълимга асосланган янги ўқув режалари ва дастурлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Янги таълим стандартлари яратилди, янги факультетлар, йўналишлар ва мутахассисликлар ташкил қилинди, нуфузли хориж университетларининг дарсликларидан фойдаланган ҳолда халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий дарсликлар чоп этилди, ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологиялари киритилди.

Институтда халқаро ҳамкорликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Малака ошириш ва стажировка учун чет элга институт ёш олимларини юбориш, шунингдек, институт ўқитувчилари учун маъруза ўқиш, маҳорат-дарслари ва малака ошириш курсларини ўтказиш учун чет эллик олимларни таклиф этиш йўлга қўйилган. Жумладан, 2018-2022 йилларда маъруза ўқиш ва маҳорат дарсларини ўтказиш учун Америка Қўшма Штатлари, Германия, Австрия, Жанубий Корея, Бельгия ва бошқа мамлакатлардан 200 дан ортик етакчи олимлар таклиф этилди. Институтнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналари билан инновацион-корпоратив ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб, бу илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилишга янги туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Институт 2018 йилдан буён доимий равишда "InnoWeek" халқаро инновацион гоёлар ҳафталиги ярмаркаларида фаол қатнашиб келаётганлиги институт жамоаси томонидан амалга оширилаётган илмий



фаолиятдаги ютуқлар ифодасидир. Илмий изланишлар натижалари, айниқса маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган янги препаратлар тиббиёт амалиётига фаол жорий этилмоқда. Институт олимлари томонидан синтетик ва табиий бирикмалар асосида, шу жумладан маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида юқори самарадорликка эга 30 га яқин оригинал дори воситаларини яратиш борасида илмий изланишлар амалга оширилган. Давлат грантлар бўйича ишлаб чиқилган бир қатор препаратлар ва озикага биофаол қўшимчалар ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида ишлатишга жорий қилинди. Ҳозирги кунда институтда давлат грантлар асосида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларининг умумий қиймати 13,8 миллиард сўмни ташкил этади.

Институтда 1992 йилдан Фармацевтика журнали ҳамда 2019 йилдан бошлаб "Problems And Perspectives in Pharmaceutics and Drug Discovery" халқаро илмий электрон журналлари чоп этиб келинмоқда. Шунингдек, институтда DSc.27.06.2017.Far. 32.01 рақамли илмий кенгаш фармацевтика фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини 15.00.01. – дори технологияси ва фармацевтика ишини ташкил этиш, 15.00.02. – фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 14.00.17. – фармакология ва клиник фармакология йўналишлари бўйича диссертация химояси ўтказилди. Институтда маҳаллий дориловор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш, амалиётга жорий этилган генерик дори воситаларининг янги такомиллашган технологиялари-



ти қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича ишлаб чиқилган ҳукумат қарорлари амалиётга жорий этиб келинмоқда. Микро ва макроэлементлар ва биологик фаол лигандларнинг координацион бирикмалари асосида яратилган Пирацин, Феракс, Купир, Кобальт-30, Коамид, шунингдек ўсимликлар асосида олиган Гелрем, Флегмен, Альтромбосепин, Мекритин кабилар шулар жумласидандир.

Институт хорижий илмий журналларда мақола чоп этиш бўйича кейинги 2 йилдаги ўсиш даражаси 13,5 баробарга ўсди. Институт халқаро миқёсдаги рейтингларга кириш учун яратилган имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Жумладан, 2021 йил 2 сентябрдан институт 2022 йилги Олий таълим жаҳон университетлари рейтингига "репортёр" мақоми берилиб, муҳим глобал рейтинг учун маълумотларни тақдим этган университетлар қаторида тан олинган. 2022 йил 28 апрель куни Халқаро Университетлар рейтинг компанияси Times Higher Education Impact Ranking 2022 йил натижаларини

Тошкент фармацевтика институтини жамоаси томонидан келгусида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди:

- ривожланган хорижий давлатларнинг турдош олий ўқув юрталари тажрибасига асосан таълим тизимига халқаро стандартларни жорий этиш, ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини янгилашни давом эттириш;

- янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ҳисобида ўқув-услубий қўлланимлар фондларини кенгайтириш, шу жумладан янги хорижий адабиётларни сотиб олиш, уларни таржима қилиш, ахборот ресурс маркази фондларини

Институт жамоаси Республикада Олий таълим тизими жадаллик билан ривожлантирилаётган даврда Республика раҳбарияти томонидан қўйилган вазифалар ижросини изчиллик билан таъминлаб бориб, ўқув ва илмий ишлар натижаларини фармацевтика ва тиббиёт амалиётига жорий этишда бор имкониятларидан унумли фойдаланишларига ишончим камол.

**Камол РИЗАЕВ,
Тошкент Фармацевтика институтини ректори.**

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Тошкент шаҳрида Республика патологик анатомия маркази томонидан “Патологик анатомиянинг долзарб муаммолари” мавзусида 4-халқаро форум ўтказилди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад гистологик диагностика ва иммуногистохимиянинг замонавий усуллари амалиётга жорий этишдан иборат бўлди.

тилди. Республика патологик анатомия марказининг худудларда вертикал муассасалари ишлаб турибди. Форумда муассаса мутахассисларининг олдида патологик анатомия соҳасининг моддий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш ва шу асосда тизимни ривожлантириш асосий вазифалар турганлиги таъкидлаб ўтил-



битирувчилари базасида патологик анатомия бўйича бўлгуси мутахассислар корпусини шакллантириш бўйича масалалар муҳокама қилинди.

COVID-19 падемияси авж олган даврда Республика патологик анатомия марказида фойдаланилаётган, Японияда ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги электрон микроскоп инсон организми тўқималарида бўладиган морфологик ўзгаришларни чуқур ўрганиш учун шароит яратди.

Форум дастуридан шу каби клиник ва патологоанатомик таҳлиллар ҳамда ижтимоий тиббиёт масалаларига ҳам алоҳида ўрин ажратилди. Шунингдек, ушбу тадбирда таваллудига 90 йил тўлаётган Ўзбекистон Қаҳрамони, академик, Республика патологик анатомия марказининг биринчи директори мархума Малика Абдуллаҳўжаеванинг фаолияти ҳам таҳлил қилинди, соҳа ривожига қўшган улкан ҳиссаси эътироф этилди.

ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ МАСАЛАЛАРИ
ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Форумда тор соҳа мутахассислари ўрта-

сида тажриба ва билим алмашишга алоҳида эътибор қара-

ди. Бундан ташқари, тиббиёт олий таълим муассасалари

Анжуманда телемедицина соҳасини янада ривожлантириш орқали турли ўсма касалликларига масофадан туриб ташхис қўйиш имкониятларини юксалтириш каби муҳим мавзуларда ҳам фикр билдирилди.

@ssvuz

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Саломатлик инсон ҳаётининг мустаҳкам пойдевори, асоси ҳисобланади. Ўқиш, касб эгаллаш, бахтли оила қуриш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни комил инсон этиб тарбиялаш каби мақсадларга эришишнинг асосий шартларидан бири саломат бўлишдир.

Ҳар бир инсон саломатликни сақлаш борасида зарур билим, кўникмаларга эга бўлишга, саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида доимий ҳаракатда бўлишга ҳаётини зарурият сифатида қараши лозим. Шундай касалликлар мавжудки, улар нафақат инсон саломатлигига, шунингдек, унинг ҳаётига ҳам таҳдид солиши мумкин. Бундай касалликлардан бири халк тилида ОИТС деб аталадиган касаллигидир, ушбу хасталик тиббиётда ОИВ инфекцияси деб аталади. Бу инфекция инсон умрини охиригача давом этадиган сурункали, юқумли касаллик ҳисобланади. Ҳозирда ОИВ/ОИТС касаллиги кузатилмайдиган бирор бир минтақа, худуд қолмади деса муболаға бўлмайди. Бу инфекция соғлом одамларга тери бутунлиги бузилиши билан боғлиқ тиббий ва маиший муолажаларда қон орқали, химояланмаган тартибсиз жинсий

алоқалар орқали ҳамда ОИВ инфекцияси билан зарарланган ҳомиладор онадан болага юқиши мумкин. Ҳар қандай


фини ошишига олиб келувчи яна бир омил, бу инфекциянинг узок вақт давомида яширин кечишидир. Ушбу касаллик билан зарарланган одам бир неча ой ва йиллар давомида ўзини соғлом ҳис қилиши, ҳатто инфекция билан зарарланганлигини билмаслиги ва касалликни билиб-билмай бошқаларга юктириши ҳам мумкин.

ОИВ инфекциясини тарқатишига замин яратувчи, яна

САЛОМАТЛИКДА СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИ ЗАРУР!

касаллик, носоғлом ҳаёт турмуш тарзига эътибор бермаслик натижасида келиб чиқади. ОИВ инфекцияси асосан, кўпроқ касалликни юктириб олган шахслар билан жинсий алоқада бўлиш, гиёҳвандликка ружу қўйган айрим кимсалар орасида тез тарқалади. Улардан касалликнинг соғлом шахслар юқиши албатта, ачинарли ҳолдир. ОИВ инфекциясини юктирган инсонлар умрларининг охиригача бу касалликдан фориғ бўла олмайдилар. Касалликни юқиш хав-

бир омил касаллик кўзгатувчи вирусларни бутунлай бартараф этадиган дори воситаларнинг мавжуд эмаслигидир. Мазкур хасталикка чалинган шахсларга бериладиган дори воситалар вирусларни йўқ қилмайди, уларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади. Вируслар танада кўпая олмас экан, демак иммун тизими сақланиб қолади, бу эса инфекцияга чалинган шахснинг фаол ҳаёт даврининг бироз узайишига имкон яратади. Касалликни олдини олиш ав-



касаллик бўйича доимий тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Таъкидлаш жоизки, мутахассисларимиз жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида маҳалла, мактаб, техникум, лицей, олий ўқув юртлири, ҳарбий қисм ва корхона-ташкilotларда ОИВ инфекциясини олдини олиш тўғрисида доимий равишда давра суҳбати ўтказиб, тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу касалликка чалинмаслик ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, соғлом турмуш тарзига риоя этишимиз ва бу мудҳиш хасталик тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлишимиз, саломатлигимизнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Ахмаджон АЙИТБАЕВ,
Тошкент вилоят ОИТСга қарши курашиш
маркази санитария врачлари.

НОВОСТИ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

РАЗРАБОТАНА МРНК-ВАКЦИНА,
ЗАЩИЩАЮЩАЯ ОТ 20
ПОДТИПОВ ГРИППА – SCIENCE

По словам исследователей университета штата Пенсильвания, созданная ими экспериментальная вакцина на основе мРНК против всех 20 известных подтипов вируса гриппа обеспечила широкую защиту от смертельных штаммов гриппа в первоначальных испытаниях и, таким образом, однажды может послужить общей профилактической мерой против будущих пандемий гриппа.



«Мультивалентная» вакцина, которую исследователи описывают в статье, опубликованной в журнале Science, основана на той же технологии информационной рибонуклеиновой кислоты (мРНК), которая используется в вакцинах Pfizer и Moderna против SARS-CoV-2. Испытания на животных моделях показали, что вакцина значительно уменьшает признаки болезни и защищает от смерти, даже когда животные подвергались воздействию штаммов гриппа, отличных от тех, которые использовались при изготовлении вакцины.

«Идея здесь состоит в том, чтобы иметь вакцину, которая даст людям базовый уровень иммунной памяти к различным штаммам гриппа, так что будет гораздо меньше болезней и смертей, когда произойдет следующая пандемия гриппа», — объясняет старший автор исследования Скотт Хенсли, доктор философии. Доктор медицинских наук, профессор микробиологии в Медицинской школе им. Перельмана.

Вирусы гриппа периодически вызывают пандемии с огромным числом погибших. Существующие сегодня прививки против этой инфекции — просто «сезонные» вакцины, которые защищают от недавно циркулирующих штаммов, но они не защитят от новых пандемических штаммов.

Стратегия, используемая исследователями PennMedicine, заключается в вакцинации с использованием иммуногена — типа антигена, стимулирующего иммунный ответ — от всех известных подтипов гриппа, чтобы вызвать широкую защиту. Ожидается, что вакцина не обеспечит «стерилизующий» иммунитет, полностью предотвращающий вирусные инфекции. Вместо этого новое исследование показывает, что вакцина вызывает иммунный ответ памяти, который можно быстро вспомнить и адаптировать к новым штаммам пандемического вируса, что значительно снижает количество тяжелых заболеваний и смертность от инфекций.

«Это будет сопоставимо с мРНК-вакцинами первого поколения SARS-CoV-2, которые были нацелены на исходный уханьский штамм коронавируса», — отмечает Хенсли. — Про-

тив более поздних вариантов, таких как омикрон, эти оригинальные вакцины не полностью блокировали вирусные инфекции, но они продолжают обеспечивать надежную защиту от тяжелых заболеваний и смерти».

Экспериментальная вакцина при введении и поглощении клетками реципиента начинает производить копии ключевого белка вируса гриппа, белка гемагглютинина, для всех двадцати подтипов гемагглютинина гриппа — от H1 до H18 для вирусов гриппа А и еще два для гриппа В. вирусы.

«Для обычной вакцины иммунизация против всех этих подтипов была бы серьезной проблемой, но с технологией мРНК это относительно легко», — говорит Хенсли.

У мышей мРНК-вакцина вызывала высокие уровни антител, которые оставались повышенными в течение как минимум четырех месяцев и сильно реагировали на все 20 подтипов гриппа. Кроме того, оказалось, что на вакцину относительно не повлияло предшествующее воздействие вируса гриппа, что может исказить иммунный ответ на обычные вакцины против гриппа. Исследователи заметили, что реакция антител у мышей была сильной и широкой независимо от того, подвергались ли животные ранее воздействию вируса гриппа.

По его словам, Хенсли и его коллеги в настоящее время разрабатывают клинические испытания на людях. Исследователи предполагают, что, если эти испытания пройдут успешно, вакцина может быть полезна для выявления долговременной иммунной памяти против всех подтипов гриппа у людей всех возрастных групп, включая маленьких детей.

Идея здесь состоит в том, чтобы иметь вакцину, которая даст людям базовый уровень иммунной памяти к различным штаммам гриппа, так что будет гораздо меньше болезней и смертей...

«Мы считаем, что эта вакцина может значительно снизить шансы когда-либо заболеть тяжелой инфекцией гриппа», — сказал Хенсли. В принципе, добавил он, ту же стратегию мультивалентной мРНК можно использовать и для других вирусов с пандемическим потенциалом, включая коронавирусы.

Medicalxpress.com.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги хузуридаги жазони ижро этиш департаменти тиббиёт бўлимида бўш бўлган шифокорлик лавозимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларида хизматини ўташ тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ички ишлар органларида қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги жазони ижро этиш департаменти тасарруфидаги Республикамининг барча вилоятларида жойлашган Жазони ижро этиш колониялари ҳамда тергов хибсхоналарида бўш бўлган шифокорлик лавозимлар бўйича қабул қилинади.

Номзодларга қўйилган талаблар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
- олий ва таълим муассасаларини тиббиёт йўналишини битирганлар (диплом асл ва нусхаси);
- ёши 35 ёшгача бўлиши;
- бўйи аёллар 160 смдан, эркеклар 165 смдан юқори бўлиши;
- қуролли кучлар сафида мuddатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган бўлиши.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-339-сон Қарор талабларига мувофиқ шаҳар, туман тиббиёт бўлимида 10 йилдан кўп хизмат қилган ҳамда тиббиёт бўлимида хизмат қилиб, ҳозирги кунда нафақага чиққан олий маълумотли шифокорлар ҳам мурожаат этишлари мумкин. (Юқорида кўрсатилган талаблар ушбу номзодларга таъсир этмайди).

Мурожаат учун телефон: (71) 291-59-02

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти биноси.

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИККА
ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Қишки иситиш мавсуми бошланишдан олдин печ, қозонхоналар, иссиқлик генераторлари ва колори ферускуналари, шунингдек, бошқа иситиш анжомлари текширилиб, таъмирланган бўлиши керак. Носоз ҳолдаги ва рухсат берилмаган иситиш анжомларидан фойдаланиш тақиқланади.

Печ ва бошқа иситиш анжомлари ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинган ҳолда ёнғинчи қурилиш конструкцияларидан маълум масофа ва ўчоқхона эшикчасининг олди (агарда пол ёнғинчи моддадан қурилган бўлса) 0,5 х 0,7 м. ўлчамдан кам бўлмаган тунука билан қопланган керак.

Дудбурон ва печларнинг иситиш мавсуми бошланишидан олдин ва иситиш мавсуми даврида қорақурумлардан тозаланишлари камида:

- мавсумий иситиш печларини уч ойда бир мартаба;
- доимий ишлатиладиган печ ва тўхтовсиз ишлаш ўчоқларини икки ойда бир мартаба;
- оушона плиталари ва тўхтовсиз узоқ мuddатда ишловчи печлар ойига бир мартаба ўтказилади.

Қозон ва иссиқлик генератор ускуналарининг форсункаларини ёнғинчи берувчи қувурларига камида 2 та жўмрак (вентил) ўрнатилган бўлиши керак.

Қўйидагилар тақиқланади:

- ёқилги узатиш тизимидан су-юқ ёқилги томганда ёки газ чиққан-

да иссиқлик ўтказувчи ускуналаридан фойдаланиш;

-қўл бола газ горелкаларидан фойдаланиш;

-ёқилгини ўчиб қолган форсунка ёки газ горелкаларига узатиш;

-ускуналарнинг ёнғинчи камераларини шамоллатмасдан туриб ёқиш;

-назорат қилиш ва бошқариш қурилмаларини носозликда ўчирилмаган ҳолатида;

-ёнғинчи материалларни қозонлар устида қуриштириш.

-иситиш печларидан фойдаланишда қўйидагилар тақиқланади:

-ёнаётган печларни қаровсиз қолдириш ҳамда уларнинг назорат қилиш ёки бошқариш тизимини ёқиш;

-ёнғинчи ва бошқа материалларни ўчоқ олдидаги тунука устига ёки печ атрофида қўйиш;

-печ ва тандирларни ёқиш учун тез ёнғинчи суюқликлардан (бензин, керосин, дизел ёнғинчиси ва бошқалар) фойдаланиш;

-вентиляция ва газ каналларидан дудбурон сифатида фойдаланиш;

-печларни ҳаддан зиёд қиздириб юбориш.

Азиз юртдошлар, мана юртимизга ҳам қиш фасли қириб келди. Юқоридаги хавфсизлик ҳолатларига риоя қилишимиз ҳар биримизни олдимиздаги катта масъулиятдир. Шундай экан, бу борада ҳамкорликда фаолият олиб борайлик.

А. ПЎЛАТОВ,

«Қорасув қароргоҳи» Давлат резиденцияси
ЎХТТЕБ ЁН ва ПБ мутахассиси.

• КУН МАВЗУСИ •

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ўтган йили дунёда пандемия сабабли қизамиққа қарши ўз вақтида эмланмаслик оқибатида ушбу касалликни юктириш билан боғлиқ 9 миллионга ҳолат қайд этилган. Энг ёмони, беморларнинг 128 минг нафари ҳаётдан кўз юмган.

Ушбу рақамларнинг ўзиёқ мазкур хасталик саломатлик учун нечоғлик хавфли эканини кўрсатади. Қолаверса, қизамиқ бўйича дунёдаги эпидемиологик вазият ҳам мураккаб. Шунинг эътиборга олиб, касаллик юртдошларимиз ўртасида кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни қизамиқ ва қизилчага қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилмоқда. Қизамиқ юқиш даражаси юқори бўлган ва оғир

ҚИЗАМИҚҚА ҚАРШИ ВАКЦИНАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ?



кечадиган вирусли касаллик бўлиб, дунёда чақалоқлар ўлимининг энг кўп тарқалган сабабларидан биридир.

Хасталикнинг яширин даври 6-18 кунни ташкил этади. У иситма кўта-

рилиши, тананинг барча жойида тошма, шиллик қаватларнинг яллиғланиши каби асосий белгилар билан намоён бўлади. Болада ҳолсизлик, кўз қизариб ёшланиши кузатилиб, инжиқланади. Шунингдек, иштаҳасизлик, тез-тез ич

кетиши, катта ёшли болаларда эса бош оғриғи, қусиш, бурун қонаши, қорин оғриғи кузатилиши мумкин. Қизамиқ касалланган одамнинг йўталиши, акса уриши орқали ҳаво томчи йўли билан юқади. У одамлар гавжум жойларда (болалар боғчалари, мактаблар, тиб-



собланиб, кўпинча хасталикнинг ўлим билан тугашига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис мутахассислар унинг олдини олишда энг самарали усул сифатида эмланишни тавсия этади.

Қизамиққа қарши вакциналарнинг самарадорлиги жуда юқори. Касалликка қарши 2 марталик эмланиш кўрсаткичи 90-95 фоизни ташкил этади. Вакцинация жараёнида қизамиқ компонентларини сақловчи (К) ёки қизамиқ ва қизилча компонентлари бирлаштирилган (КК) ҳамда қизамиқ, қизилча ва тепки компонентлари бирлаштирилган (КПК) вакциналаридан тиббиётда кенг фойдаланилади. Юртимизда миллий эмлаш календарига асосан ушбу вакцина билан 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар эмланади. Энг муҳими, Ўзбекистонда қўлланишга тасдиқланган барча вакциналар самарали ва хавфсиздир.

биёт муассасалари) тез тарқалади. Касаллик вирусининг ҳавода ва агроф муҳитда 2 соатгача юқувчанлигини сақлаб қолади. Хасталик 2 ёшгача бўлган, шунингдек, ёш, нимжон болалар учун айниқса, хавфли. Энг ёмони, жажжи беморларнинг ҳар уч нафаридан бирида шапқурлик, энцефалит, кучли деария (ич кетиш), шу билан боғлиқ тананинг сувсизланиши, отитлар ва зотилжам каби салбий асоратлар юзага келади. Афсуски, қизамиқ вирусининг ўзи келтириб чиқарган ёки иккиламчи бактерия туфайли пайдо бўлган зотилжам касаллиги энг кўп кузатиладиган асорат хи-

Фақат камдан-кам ҳоллардагина малҳам юборилган жойда оғрик, сезгирлигининг ошиши каби енгил ножўя таъсирлари кузатилиши мумкин. Агар болада шундай белгилар намоён бўлса, дарҳол оилавий шифокорга мурожаат қилиш зарур.

**Дилором ТУРСУНОВА,
Республика санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизмати масъул ходими.**

МАЛАКА ОШИРИШ

Ўзбекистон ва Туркия Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумга кўра, биринчи ва иккинчи гуруҳ тиббиёт ходимлари Анқара шаҳрига малака ошириш учун юборилган эди.

Вазирлик масъуллари, худудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ва даволаш-профилактика муассасалари бош шифокорларидан иборат 25 кишилик учинчи гуруҳ тиббий менежмент курсларини ўташ учун Туркияга жўнаб кетди.

Улар хизмат сафари давомида:

- Туркия соғлиқни сақлаш тизими, вилоят ва туман даражасида бошқарувнинг тузилиши;
- шаҳар шифохонала-

ри бошқаруви ва у ерда ишни ташкил этиши;

– соҳадаги таъхислаш ва даволаш стандартларига риоя

этилиши ҳамда унинг назорати;

– бирламчи тизимнинг тузилиши ва аҳолига кўрсатилаёт-



ЎЗБЕК ШИФОКОРЛАРИ МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН ТУРКИЯГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

ган тиббий ёрдам ҳажми;

– тез ва шошилинч тиббий

ёрдамни ташкил этиши;

– соҳадаги молиялаштириш

тизимининг ўзига хослиги;

– тиббий туризмни ташкил-

лаштириш механизмлари;

– тиббиёт ходимлари мала-

ка оширишининг ўзига хос хусусиятлари;

– оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари;

– соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўллари;

– тиббий аутсорсингнинг

Туркия амалиётидаги шакллари билан яқиндан танишиди.

Мутахассислар ўзлаштирилган

билим ва кўникмаларини миллий тиббиётимизга тағбиқ қилиши кўзда тутилган.

@ssvuz

**Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Ташкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

**Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 673 нусха.
Буюртма Г-1240**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**